

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 01/22

Тошкент шаҳри

2022 йил «03» 03

“CICSFOT” МЧЖ (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор М.Содиқова бир томондан ва “Туронбанк” АТБ (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи С.Т. Касимов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ Ижрочи Буюртмачининг топшириғи бўйича “ТУРОНБАНК” АТБга ишга кирмоқчи бўлганларнинг фундаментал билимларини доимий равишда текшириб борувчи ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва уни қузатиб бориш, Буюртмачи эса кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Кўрсатиладиган хизматларга нисбатан қўйиладиган иктисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар:

1. Ахборот тизимни техник топшириғи ишлаб чиқиш.
2. Саволларни базасини конфиденциаллиги ва тўғрилигини таъминлаш ҳамда уларни доимий равишда янгилаб бориш.
3. Саволларни оддий, ўрта ва мураккаб категорияларга ажратиш.
4. Туронбанк миқёсидаги ҳар хил тадбирларни ахборот тизими орқали амалга ошириш.
5. Бир вақтнинг ўзида 100 та фойдаланувчидан тест жараёнидан фойдаланишни ташкил этиш.
6. Ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича бўлим бошлиғи ва номзодлар учун йўриқнома видеоманара ишлаб чиқиш.

Синов учун тўловлар мазкур шартноманинг 2.1. бандида кўрсатилган суммаси тўлов ойига 1 800 000 (бир миллион саккиз юз минг сўм) миқдорида амалга оширилади.

2. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 21 600 000 (йигирма бир миллион олти юз минг юз) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартнома суммасини ойма ой 1 800 000 (бир миллион саккиз юз минг сўм) миқдорида ушбу шартнома имзоланганидан кейин 5 кунлик муддат ичида Ижрочи ҳисоб рақамига олдиндан ҳар ойнинг бошида тўловни амалга оширади.

2.3. Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Ўзбекистон Республикаси белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори ва бошқа тўловлар ошганда тарафлар ўзаро қўшимча келишув тузиб шартномага тегишли ўзгартириш киритадилар.

2.5. Ижрочи Буюртмачининг айби билан хизматни кўрсата олмаган тақдирда, Буюртмачи томонидан тўланган олдиндан тўлов қайтариб берилмайди.

2.6. Ижрочининг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, тўланган пул маблағлари қайтариб берилиши керак.

3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1. ва 1.2.-бандларида назарда тутилган

хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши;

3.1.2. Ушбу шартноманинг 1.1. ва 1.2.-бандларида кўрсатилган хизматни лозим даражада бажариш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.2.1. Ушбу шартноманинг шартларига мувофиқ Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш;

3.2.2. Номзодларни белгиланган муддатларда жалб этиб бериш.

3.3. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.3.1. Буюртмачини 15 календарь кун олдин хабардор қилиб, ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.3.2. Буюртмачидан ушбу шартнома шартларига мувофиқ тўловларни амалга оширишни талаб қилиш;

3.3.3. Ижрочидан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Исталган вақтда Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг боришини ва сифатини, унинг ишларига аралашмасдан текшириш;

3.4.2. Ижрочидан ушбу шартномага мувофиқ тегишли хизматларни тақдим этишни талаб қилиш;

3.4.3. Ижрочидан шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

4. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ҳисоб-фактурани тақдим этади ва унга ҳисобот ҳужжатларини илова қилади.

4.2. Хизмат натижаларидан қониқмаган Буюртмачи далолатномани ёки ҳисоб-фактура олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин. Буюртмачи хизматларни қабул қилишдан бош тортганда ўз эътирозларини асослаган ҳолда ёзма равишда тақдим қилади.

4.3. Буюртмачининг эътирозлари асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома тузадилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

4.4. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда Ижрочини хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

4.5. Буюртмачи томонидан 3 кун ичида кўрсатилган хизматларга ёзма равишда эътироз билдирилмаса, кўрсатилган хизматлар эътирозларсиз қабул қилинган ҳисобланади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

5.1. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган тақдирда, низо белгиланган тартибда судда ҳал этилади.

6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6.3. Буюртмачи хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Ижрочининг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.4. Ижрочи ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли буюртмачига етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома Буюртмачининг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 15 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шarti.


7. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

7.1. Шартнома имзоланган кундан кучга киради ва 2023 йил 31 мартгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

7.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

<p>ИЖРОЧИ: CICSOFT МЧЖ</p> <p>Тошкент вилояти Қибрай тумани ТашГРЭС кўчаси 3а уй 5 хонадон СТИР 306 998 107 ОКОНХ 14330 МФО 00446 Х/Р: 2020 8000 4051 6479 2001 Туронбанк АТБ</p> <p>Директор  М.Содиқова</p> 	<p>БУЮРТМАЧИ: ТУРОНБАНК АТБ АКБ «ТУРОНБАНК»</p> <p>г. Тошкент, ул. Абая, 4а. тел.: 144-60-00 Р/с: в ЦОУ АКБ «Туронбанк» ИНН: 201 055 108 ОКОНХ: 96120 МФО: 00446</p> <p><i>Бошқарув раиси ўринбосари</i> <i>С.Т. Қодиров</i></p> <p><i>Боссе</i> <i>Ўхшилов В.Б.</i></p> <p><i>Т.Х. Хуссаров</i></p> 
--	--

